

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**562 Электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2015 йил 5 майдаги ПҚ–2343-сон қарорига мувофиқ, электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти томонидан электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳалари босқич-ма-босқич амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 январдан бошлаб электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан мос бўлган замонавий электрон ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланмаган хўжалик юритувчи субъектларга — юридик шахсларга электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш тақиқлансин.

3. Белгилансинки, хўжалик юритувчи субъектларни — юридик шахсларни табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос бўлган замонавий электрон ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш уларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти:

«Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда электр энергияси ва табиий газ истеъмоличиларида ўрнатиладиган электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими билан мос бўлган замонавий электрон ҳисобга олиш приборларига қўйиладиган ягона техник талаблар 2017 йил 1 январгача бўлган муддатда белгиланган тартибда ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсадлари ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 июндаги 150-сон қарори 8-бандининг олтинчи хатбошидаги «2019» рақамлари «2018» рақамлари билан алмаштирилсин.

44 (700)-сон

— 39 —

562-563-моддалар

6. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 2 ноябрь,
309-сон